



ТИББИЙ ХИЗМАТ ДАН ОДАМЛАР



Бундай ҳақли саволларга Президент раислигида **7 май куни** танқидий-таҳлилий руҳда ўТКАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР йиғилишида АТРОФЛИЧА ЖАВОБ ИЗЛАНГАН ЭДИ



ЗЪТИРОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ 25
ПОҒОНАГА ЯХШИЛАНДИ!

Иқтисодий мураккаблик индекси (Economic Complexity Index) бу экспорт саватининг хилма-хиллиги ҳамда мураккаблигига асосланган халқаро рейтинг бўлиб, мамлакатларнинг турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодирлиги даражасини белгилайди.

Мазкур рейтинг Гарвард университети халқаро ривожланиш марказининг ўсиш лабораторияси томонидан ҳар йили дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми, турлари, қўшимча имкониятлари, экспорт географияси ва рақобатбардошлиги кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

Жорий йилда Гарвард университети Ўзбекистон ўтган беш йилда Иқтисодий мураккаблик индексидаги ўрнини **25** поғонага яхшилаб, **105**-ўриндан **80**-ўринга кўтаришганини маълум қилди.

Дунёда юз бераётган мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятларга қарамайдан, бугунги кунда **162** хил турдаги миллий маҳсулотларимиз “дунё бозорларида рақобат устуңлигига эга” деб эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси **65,9 млрд** долларни, ЯИМга нисбатан **57** фоизни ташкил қилган. Экспорт салоҳиятимиз эса **26 млрд** долларга яқинлашиб, охириги йилларга нисбатан **2,2** баробарга ошган.

Эришилаётган ушбу натижалар давлатимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган кенг имкониятлар самараси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастури ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, дунё бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича белгиланган вазифалар ижросига хизмат қилмоқда.

Бахтиёр РУҲИТДИНОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси департамент раҳбари

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан
“Олтин қалам” XIX Миллий мукофоти учун
халқаро танлов эълон қилинди

Танлов куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1 та Бош миллий мукофот

Телевидение йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);

Радио йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);

Босма нашрлар йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);

Интернет нашрлари йўналиши бўйича (1-, 2-, 3-ўринлар);

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича);

Шунингдек, танловда куйидаги рағбатлантирувчи номинациялар жорий этилади:

1. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни тарғиб қилувчи энг яхши материаллар учун;

2. Давлат тилини ривожлантириш, нуфузини янада оширишга бағишланган энг яхши таҳлилий материаллар учун;

3. Ёшлар ҳаётига оид энг яхши материаллар учун;

4. ОАВда эълон қилинган энг яхши миллий контент (материаллар) учун;

5. Долзарб мавзудаги энг яхши танқидий-таҳлилий материаллар учун;

6. Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун;

7. Спорт соҳаси ёритилган энг яхши материаллар учун;

8. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига бағишланган энг яхши материаллар учун;

9. Энг яхши фоторепортаж учун;

10. Оила ва маҳалла ҳамкорлиги бўйича энг яхши ёритилган материаллар учун;

11. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ёритилган энг яхши материаллар учун;

12. Умуммиллий ҳамжихатликни тарғиб қилиш ва мустақамлашга қаратилган энг яхши материаллар учун;

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2024 йил 30 апрелдан 2025 йил 30 апрелгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллари кўриб чиқилади.

“Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” рағбатлантирувчи номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир дона тақдим этади.

Эслатма: танлов ҳакамлар ҳайъати таклифи билан рағбатлантирувчи номинациялар номи ўзгариши мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(71)244-37-87, (71)244-64-62

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Хайт ҳикмати

Омон Матчон:

Деҳқон ўз хирмонин
кўрмасин ҳеч кам,
Дўстлар йиғилсинлар
эрта ҳам, кеч ҳам.
Ўз ер, ўз жойида
яшасин эллар,
Ўз эркин бошқадан
сўрамай ҳеч ҳам!

О'zLiDeP
фракциясида
муҳокамалар қизияпти

2с.

Сиз доимо фаол
бўлинг,
ишбилармон аёллар!

4с.

Green card:
бахтми,
омадми ёки?!

5с.

“Онам – ботган,
отам – ётган
Ватаним”

6с.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ИҚТИСОДИЁТДА ТЕНГ РАҚОБАТ АСОСИЙ МЕЗОН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, доридармон истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

дан янгиланди. Энг муҳими, аҳолининг узоғини яқин қилиш, одамларни ушбу тизимдан рози этиш мақсадида маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослашган хизматларни боғлайдиган тизим йўлга қўйилди.

Фракция аъзолари сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, белгилаб берилган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Асосийси, видеоселектор йиғилишида илгари сурилган муҳим ташаббуслар O'zLiDeP дастурий мақсадларига уйғун ва ҳамоҳанг эканлиги, уларнинг ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш ҳамда уш-

раларга бой бўлди.

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиб-таомиллар танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабларига жавоб бермайдиган бюрократик ғовлар ва тўсиқлар бекор қилинди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди. Шу билан бирга, қонунчиликни халқаро нормаларга, шу жумладан, Жаҳон Савдо Ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича Бош Битими қоидалар-



Таъкидланганидек, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажрибалар асосида ташкил этиш, тиббиёт соҳаси ходимларининг маданияти ва салоҳиятини ошириш бўйича кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда.

бу соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича фаоллик кўрсатишлари лозимлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, долзарб вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, партия ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбе-



Айниқса, кейинги етти йил ичида бу соҳа учун ажратилаётган маблағ олти карра оширилиб, ҳудудлардаги шифохоналар моддий-техник жиҳат-

кистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама, муноза-

рига уйғунлаштириш орқали ташқи савдонини янада либераллаштириш зарурати мавжуд.

Мазкур қонун лойиҳаси билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қўлайлик бериш назарда тутилмаган мамлакатлар (ҳозирда 57 давлат энг кўп қўлайлик режимида эга)да ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқланмаган товарларга нисбатан амалдаги импорт божлари ставкаларини икки карра ошириб қўллаш амалиётини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса миллий қонунчилик халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шу жумладан, иқтисодиётда тенг рақобат учун шарт-шароитлар яратиш ва чет эл инвестицияларини кенг жалб этишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг бугунги кундаги зарурати ва аҳамияти, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида депутатлар таклифлари асосида маромига етказилганлигини эътиборга олиб, маъқулладилар.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

O'zLiDeP матбуот хизмати



КЕНГСОЙДА КЕНГ БОҒЛАР ЯРАТИШ ОСОНМИ?

...Қаршидан Ғузур туманига йўлингиз тушганми? Кенг, раvon йўлдан бораётганингизда катта трасса устида “Шўртан газ кимё мажмуаси” гайратли ишчи-ходимларининг машаққатли меҳнати ортидан яратилган боғларни кўриб кўзингиз қувнайди. Тепаликлардан, қирлардан иборат бу жойларга сув чиқариш, томчилатиб сугориш ускуналари орқали кўчатларни ундириб олиш, авжи саратон чилласидан асраб қолиш учун ҳазилакам меҳнат сарфланмади. Ана шундай қийин шароитда кўчат етиштириб, бошқа корхона-ташкilotларга, аҳоли хонадонларига етказиб бериш учун эса метиндек ирода керак.

Орол денгизининг қуриши, қурғоқчилик ва бошқа глобал экологик муаммолар инсониятдан табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни, табиий ресурслардан унумли ва тежамкор тарзда фойдаланиш зарурлигини эслатиб қўйди. Она табиат мусоф-фолигини таъминлаш, табиийлигини асраб-авайлаш ва келажак авлодга бутунлигича етказиш барча учун масъулиятли вазифа эканлигини ҳар лаҳза ёдда тутмоқ даркор. Бу долзарб муаммо Марказий Осиё минтақасида илк бора Самарқандда ўтказилган Парламентлараро иттифоқнинг 150-ассамблеяси иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилиб, иқлим ўзгаришига қарши кураш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этганлиги бежиз эмас.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизда яшил оламини сақлаш ва кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси мазкур муаммоларни бартараф этишга умид уйғотди. Мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларида экологик вазият ва ҳаво тозаллигини яхшилаш мақсадида оммавий тарзда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Халқимиз боғ яратсагу эккан дарахтимиз соясида йўловчилар ором олса, ширин-шакар меваларидан баҳраманд бўлса деган эзгу ният билан яшайди. Асрлар бўйи давом этиб келаётган бу гўзал анъана чор атроф мусоффолигини таъминлашга яқиндан ёрдам бермоқда. Дарахтлар нафақат ҳавони тозалайди, балки зарарли газлар тарқалишига тўсқинлик қилади, шовқин даражасини бостиради, ҳароратни ва ҳавонинг қуруқлигини юмшатади.

– Қашқадарёнинг чўл сарҳадларидан бири ҳисобланган Ғузур туманидаги

нидаги Кенгсой кенгликларида турли мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, кўкартириб олиш ва парваришlash осон эмаслигини бу ерда яшаганлар яхшироқ билади, – дейди “Шўртан яшил макон” масъулиятли чекланган жамият директори Шерзот УРИШОВ. – Жамиятимиз “Шўртан газ кимё мажмуаси” таъсисчилигида ташкил этилган. Айни



пайтда 141 гектар майдонда 52 минг туп дарахтларга агротехника қоидалар асосида ишлов бериляпти, сугориляпти. Кўчатчилик бўлимида 175 минг туп шарқ туяси, қайрағоч, катальпа, глядичи, тут, бодом, шойи акация, павлония, ясен, айлан, япон сафораси, ўрик, беҳи, можевенник, қароли кўчатлари етиштирилди. Жамият тасарруфидagi майдонлардаги дарахтларни ёшартириш мақсадида 22 минг 230 дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. 3 та кўчатчилик бўлимида мевали ва манзарали дарахт уруғларидан 257 минг 930 дона ниҳоллар ундирилиб олинди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги хайрли ишларга ҳисса қўшиш мақсадида 1 600 туп кўчатлар ҳомийлик ҳисобидан етказиб берилди. 2025 йил

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да жами 185 минг 820 туп 19 турдаги дарахт кўчатлари экишни режалаштирганмиз. Баҳор мавсумида 71 минг 110 тупи замин бағрига қадалди. Қолган 114 минг 710 тупи эса кузда экилади. Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда экологик хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, биохилма-хиллигини асраш, чиқиндиларни бошқаришга қаратилган қатор муҳим стратегик ҳужжатлар қабул қилинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқил-лона фойдаланиш, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шундай экан, мажмуамиз вакиллари нафақат корхонамиз жойлашган ҳудудларда, балки ўзлари истиқомат қилаётган

маҳалла ва қишлоқларда, хонадонларида ҳам кўчат экиш ва парваришlash ишларида намуна бўлиб келишяпти.

Дарҳақиқат, вилоятнинг айрим қишлоқларини кузатсангиз, оқава сув бўла туриб, томоркасига бирор туп кўчат экмаган хонадонлар ҳам борлигини кўриб дилингиз хира бўлади. Инсон тоза ҳаводан нафас олгандагина узоқ ва бахтиёр умр кечиради. Агар ҳар биримиз яхши ният билан лоақал биттагина ниҳол қадамокни одатга айлантирсак, экологик қонунарга эҳтиёж қолмасди. Зеро, табиатни асраш саломатлигини асраш, бахтли келажак йўлидаги эзгу ишларга ҳисса қўшмоқ деганидир.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ТАШАББУС

СИЗНИ ҚАДРЛАСАК, БИЗНИ ҲАМ ҚАДРЛАШАДИ

Ёши улуг инсонларни эъзозлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш халқимизга хос азалий одатлардан бири.

Бош қомусимиз, шунингдек, “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва давлат дастурларида нурунийларга ғамхўрлик қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилган. “Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, дейилади Конституциямизнинг 57-моддасида. Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда барча эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан айни мақсадда “Кексаларга мадад” ва “Кексаларга ғамхўрлик” лойиҳалари амалга оширилиб келинмоқда. Лойиҳалардан кўзланган мақсад ёши улуг инсонларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, бу борада қонунчиликка қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Лойиҳа O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги 11 та



санаторийда 2025 йил январь-март ойларида йўлланма бўйича 13,6 минг нафар шахсларнинг соғломлаштирилишига эришилган бўлса-да, дам олиш жойларига боришни хоҳловчилар сони кўпчиликти ташкил қилишни ҳисобга олиб, зарур чоралар кўрилиши даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Шу боис отахон ва онахонлар учун санаторийларга бепул йўлланмалар миқдорини ошириш масаласида таклифлар берилмоқда: давлат хусусий шерикчилик асосидаги санаторийлар сонини кўпайтириш ва уларга ваучерлар бериш тизимини жорий қилиш, муайян ташкилотда ишлаб пен-


сияга чиққанлар учун йўлланмаларнинг бир қисmini тўлаш, фарзандлар ота-оналарига ғамхўрлик қилишини ошириш, кексаларнинг дам олиш зоналарида 2-3 кунлик хордик чиқаришларини амалга оширишдан иборат.

Шунингдек, кексаларнинг самарали даволанишини таъминлаш

мақсадида реабилитация жараёнини кучайтириш, бу юмуш билан уйда шуғулланадиган мутахассисларни ўқитиб, малакасини ошириб бориш ишлари йўлга қўйилмоқда. Давлат томонидан кексаларга бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситаларининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шаффофлаш, бу борада коррупцион омилларни бартараф этиш юзасидан кўрилатган чораларни янада кучайтириш масаласи лойиҳа доирасида кўриб чиқилмоқда. Кекса ёшдагиларга банклардан имтиёзли кредитлар ажратиш, уларнинг банкларга омонат учун қўядиган пуллари фоизини юқори даражада ҳисоблаш орқали моддий қўллаб-қувватлаш таклифи илгари сурилмоқда.

Юқоридаги лойиҳалар ижросини таъминлаш бўйича ишчи ғуруҳи тузилиб, лойиҳани янада такомиллаштириш устида иш олиб бориляпти.

Насимжон АЛИМОВ,
O'zLiDeP амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари



ТИББИЙ ХИЗМАТдан ОДАМЛАР РОЗИ...МИ?

Бундай ҳақли саволларга Президент раислигида 7 май куни танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилган ВИДЕОСЕЛЕКТОР йиғилишида АТРОФЛИЧА ЖАВОБ ИЗЛАНГАН ЭДИ

ДУНЁДА ЭНГ ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН ЖАБҲАЛАРДАН БИРИ ШУБҲАСИЗ ТИББИЁТ СОҲАСИДИР. 2024 ЙИЛ БУ СОҲА БИР ҚАТОР ИНҚИЛОБИЙ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ТАРИХГА КИРДИ. ЖУМЛАДАН, АЛЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИ АЛОМАТЛАРИНИ 15 ЙИЛ АВВАЛ АНИҚЛАШ ИМКОНИ ПАЙДО БЎЛДИ. СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ХОТИРА ВА ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИГА ОЛДИНДАН АНИҚ ТАШХИС ҚўЯ БОШЛАДИ. ГЕНЕТИК ЎЗГАРТИРИЛГАН ҲАЙВОН БУЙРАГИ ОДАМГА МУВАФФАҚИЯТЛИ КўЧИРИБ ЎТКАЗИЛДИ. НИВОЛУМАБ ВА ИПИЛИМУМАБ ИММУН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТЕРИ САРАТОНИНИНГ ОғИР ШАКЛИ БИЛАН ОғРИГАН БЕМОРЛАРНИ ТўЛИҚ ДАВОЛАЯПТИ. БОЛАЛАРДАГИ ОғИР МИЯ РАКИ – ГЛИОБЛАСТОМАДАМ АЗИЯТ ЧЕКАЁТГАНЛАР ҲАМ ТУЗАЛМОҚДА. ХУЛЛАС, САНАЙВЕРСАК БУ РўЙХАТНИ АНЧА ДАВОМ ЭТТИРИШ МУМКИН. ҲАҚЛИ САВОЛ ТУҒИЛАДИ. Хўш, ЎЗБЕКИСТОНДА ШУ КАБИ КУТИЛМАГАН ТИББИЁТДАГИ ОЛАМШУМУЛ ЯНГИЛИК-КАШФИЁТЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛЯПТИМИ? ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ БУГУН ҚАЙ АҲВОЛДА? КАДРЛАР МАЛАКАСИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИГА ЖАВОБ БЕРА ОЛЯПТИМИ?

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 7 МАЙ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ АЙНИ ШУ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЭДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ТИББИЁТНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ ВА ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ, ДОРИ ИСТЕЪМОЛИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ПАРТИЯМИЗДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ.



Раъно АСТАНАҚУЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятларнинг катта қисми – тиббий кадрлар сифати, уларнинг билим, малака ва масъулиятига боғлиқ. Замонавий тиббиёт мутахассислардан нафақат юқори билим ва кўникма, балки доимий янгиланиб борадиган технологик жараёнларни ўзлаштириш қобилиятини ҳам талаб қилади. Шу сабабли, тиббий таълим, малака ошириш ва соҳага оид ташкилий чоралар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бир нафар шифокорга ўртача 400 нафарга яқин аҳоли тўғри келар экан. Республикадаги шифохона муассасаларида ўринлар сони эса – 170 мингдан ошди экани қайд этилган. Сўнгги йилларда мамлакатда тиббиёт соҳасида таълим олувчилар сони кескин ортиб, йилига 25 минг нафардан ортиқ талаба тиббиёт йўналишларига ўқишга қабул қилиниб, шундан 40 фоизи хусусий олий таълим муассасаларида тахсил олмақда.

Бироқ, бу ўсиш сифат масаласида жиддий саволларни келтириб чиқараётгани ҳам бор гап. Мисол учун, мавжуд билимни баҳолаш механизмида шаффофлик ва ягона стандартлар етишмаяпти. Таълимда амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражаси паст, кўпала битирувчилар замонавий диагностика ва даволаш усулларини тўлиқ ўзлаштира олмаган. Айнан ана шу каби муаммолар ҳам видеоселектор йиғилишида алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Жумладан, Тиббий таълим сифатини баҳолаш миллий маркази ташкил этилиб, марказда тиббиёт олий ўқув юртлири ҳамда техникум битирувчиларининг билим ва кўникмаларини объектив баҳолашга ўтилиши, замонавий диагностика, даволаш усулларини билиш даражаси ўрганилиб, мавжуд шифокор ва ҳамшираларга ҳам ушбу баҳолаш татбиқ этилиши тиббий сифатга ижобий таъсир ўтказмай қолмайди. Қолаверса, барча давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари аккредитациядан ўтказилиб, тиббий хизмат кўрсатиш стандартларига мослик таъмин қилиниши ва мутлақо тасодифий муассасаларда шифокорлик фаолиятини чеклаш ҳам самарали натижа беради.

Мавлумки, замонавий тиббий билимлар жуда тез эскиради. Шу боис давомли малака ошириш ҳар бир мутахассис учун мажбурий талабга айланиши шарт. Бунинг учун, давлат ва хусусий тиббиёт даргоҳлари, вилоят марказлари ва иختисослашган клиникалар малака оширишнинг ягона тизимида иштирок этиши, соҳага дуал таълим (ўқиш ва иш биргаликда) тўлиқ жорий этилиб, амалий ўқув клиникалари ОТМлар тасарруфига ўтказилиши ва уларга молиявий мустақиллик берилиши белгиланди.

Албатта, соҳани тартибга солиш фақат таълим билан чекланмайди, балки тизимли назорат ва ташкилий ислохотларни ҳам талаб қилади. Шунга кўра, тиббий суғурта ва рақамлаштириш тизимларининг тўлиқ жорий этилиши, маблағларни самарали тақсимлаш ва натижага йўналтирилган молиялаштириш, шунингдек, касалхоналарда тартиб-интизом ва маданиятни ошириш, “Тоза кўллар” дастури доирасида санитар-гигиена талабларини қучайтириш, айна мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳим жиҳати шуки, тиббий таълим ва кадрлар тайёрлаш соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар марказида турмоғи керак. Сифатли таълим, шаффоф баҳолаш, амалий тайёргарлик ва малака ошириш тизимини қайта қуриш – фақат тиббиёт ҳодимлари эмас, балки бутун жамият саломатлиги учун хизмат қилади.



Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
университетининг даволаш
ишлари бўйича проректори,
кўп тармоқли клиника бош
шифокори, Халқ депутатлари
вилоят кенгаши депутати

– Йиғилишда тиббиёт соҳасининг барча бўғинлари фаолияти таҳлилий-танқидий руҳда кўриб чиқиши бежиз эмас. Чунки бугун ушбу тизим зиммасига жуда катта масъулият юклатилган. Давр ўзгарапти, шунга мос

равишда талаблар ҳам кескин ўзгармоқда. Бу табиий жараён. Дунёда тиббиёт соҳасида ҳар лаҳзада қанча янгиллик, ихтиролар содир бўлмоқда. Шу маънода Ўзбекистонда ҳам бу соҳада катта ўзгаришлар рўй бераётгани шубҳасиз. Давлат томонидан барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётган бир пайтда, Президентимизнинг ўша кунги йиғилишда “Бизда тиббиёт ҳодимлари сонидан ҳам, молиялаштиришда ҳам муаммо йўқ. Лекин сифат-чи? Бу борада эътирозли саволлар жуда кўп” деган сўзлари ҳар биримиз учун ўзига хос огоҳлик кўнғироғи эмасми?

Масалан, вилоятимизнинг Иштихон туманидаги маҳалла ва оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар фаолияти мақбуллаштирилиб, 12 мингтадан кўп оилаларга хизмат қиладиган 7 та поликлиника ва 27 та кичик поликлиника қайта ташкил этилиши белгиланди. Эндилда Иштихондаги поликлиника ва маҳаллаларга Самарқанддаги кардиология, эндокринология ҳамда “Она ва бола марказлари”, марказий шифохоналарнинг малакали врачлари бириктирилади. Улар ҳар бир маҳаллага кириб, аҳолини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш ва ҳудудларга бириктирилган оилавий тиббиёт ҳодимларига касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича тажрибаларини ўртоқлашадилар. Эътиборли жиҳати, хасталиклар диагностикаси ва уларни даволаш бўйича янгича ёндашув, усулларни поликлиникада жорий этиш ҳамда Самарқанд тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари раҳбарлиги остида магистратура битирувчиларининг илмий ишларини ўша жойларга келиб ёзиши белгиланди.

Албатта, бу каби долзарб вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда соҳа вакилларигина эмас, балки маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам фаоллик кўрсатишлари зарур.



Жонибек МАТНИЁЗОВ,
“Саломатлик маскани”
шифохонаси раҳбари,
халқ депутатлари
Бухоро шаҳар кенгаши депутати

– Шу соҳа вакили, қолаверса, ҳар доим сайловчилар билан ишлаб келаётган O'zLiDeP фаоли сифатида айтишим керакки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган ушбу йиғилишда тиббиётимизнинг бугунги фаолиятига ҳолисона баҳо бериш ва таҳлил этиш бораборида бу улкан тизимни жиддий ислох қилиш ва келгусидаги ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим воқеалик бўлди.

Кузатганимиздек, энг аввало, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилашга алоҳида урғу берилди. Асосийси, тиббий хизматларнинг кафолатланган пакети тасдиқлангани жуда муҳим эътибор ва имкониятдир. Бу эса, эндилда юртодошларимизга зарур тиббий хизмат ва дори воситалари давлат бюджетни ҳисобдан бепул тақдим этилишида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Янги тизимга кўра, бирламчи бўғинда фаолият юритадиган барча шифокор ва ҳамширалар энди фақат тўлиқ ставкада ишлайди. Бундан ташқари, туманлардаги шифокорлик пунктлари ҳамда оилавий поликлиникаларнинг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, уларнинг қамрови ва самарадорлиги оширилиши белгиланди. Марказий поликлиникалар эса туман шифохоналарининг маслаҳат-диагностика бўлимига айлантирилиб, тор мутахассислар фақат шу ерда фаолият юритадиган тизим йўлга қўйилди.

Президентимиз шифокор ва ҳамшираларнинг иқтисодий манфаатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича таклифларини билдирди. Малака сертификатига эга бўлган ҳодимларга устама ҳақ тўлаш режалаштирилган. Шунингдек, онкология, диабет, инсульт, инфаркт каби оғир хасталикларни эрта аниқлашга эришган мутахассисларнинг иш ҳақи янада кўпайтирилади.

Соҳада коррупцияга қарши курашиш масаласи ҳам видеоселектор йиғилишининг марказий мавзуларидан бири бўлди. Жумладан, ногиронлиқни белгилашда шифокорлик-маслаҳат комиссияларидан тўлиқ воз кечилиши билан боғлиқ жуда асосли таклиф билдирилгани минг-минглаб ҳам тиббий, ҳам моддий қўмакка муҳтож инсонлар кўнглидаги иш бўлди. Чунки қанча асаббузлик, ортиқча оворагарчилик ва тўрачилик, ҳужжатбозликка йўл қўйиларди бунда.

Шу билан бирга, соҳа раҳбарлари ва ҳудудий ҳокимиятлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида иш юритиши белгиланиб, санитар-гигиена шароитларини яхшилаш борасида махсус дастурлар амалга оширилади.

Йиғилишда тиббий хизматлар сифатини ошириш, юқори технологияли амалиётларни йўлга қўйиш, беморларга электрон йўланма бериш ва ягона базавий нархни жорий этиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу ўзгаришлар соҳа фаолиятини рақамлаштириш ва фуқароларга қулайлик яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, самарасиз ёки самараси тасдиқланмаган дори воситаларини истезмолдан чиқариш вазифаси ҳам кун тартибига қўйилди. Бу чора аҳолининг соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишга қаратилган.

Зеро, халқ саломатлиги – миллат келажагининг кафолатидир.

Саҳифани “XXI asr” муҳбири
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Меҳнат, соғлиқни
сақлаш ва ижтимоий
масалалар қўмитаси аъзоси

– Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, албатта. Ҳар биримиз хаста бўлишимиз, шифокор ёрдамига эҳтиёж сезишимиз табиий. Орамизда кунда бўлмаса-да, кунора тиббиёт муассасаларига мурожаат қиладиганлар кам эмас. Соғлиқни сақлаш тизими ҳар қандай давлатнинг энг муҳим “қон томири”, яшаш тарзи, турмуш фаровонлиги, рамзий маънода айтадиган бўлсак, тинчлик-осойишталиги гарови десак муболаға бўлмайди.

Шундай экан, Ўзбекистонда аҳолининг барча қатлами учун кафолатланган, беминнат ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида бутун куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Тизимдаги сифат ўзгаришлари марказдан то олисдаги чекка ҳудудлар аҳолиси ҳаётида ҳам яққол акс этаётганига барчамиз гувоҳимиз. Йилдан-йилга айнан тиббиёт соҳаси учун бюджет маблағлари ажратиш ҳажми ошиб бораётгани, юртимизда ушбу тизимга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг яна бир исботидир. Чунки мамлакатнинг энг катта бойлиги халқ саломатлиги ҳисобланади.

Масалан, йиғилишда қайд этилганидек, маҳаллада бирламчи бўғин тўғри ишламагани учун туманларда касалланиш ва уларнинг оғир асоратлари камаймаяпти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 миллиард доллар атрофида зарар келтираётгани, албатта, яхши сигнал эмас-да. Ёки бўлмаса “Тез тиббий ёрдам”даги жами қақирувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келмоқда. Баъзи ҳудудларда “тез ёрдам” худди поликлиникадек бўлиб қолган. Вилоят ва туман шифохоналарида ҳодимлар сони, ўринлар, маблағлар тўғри тақсимланмаган. Демак, бу каби танқидий-таҳлилий мисоллар ҳар биримизни янада хушёр тортирибгина қолмасдан, балки улардан тўғри хулоса чиқаришга ундайди. Чунки ҳаммамиз мавжуд ҳолатларни ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта, тиббиётда ижобий ўзгариш ва янгиланишлар рўй бераётгани рост. Аммо шундай бўлса-да, айниқса, бирламчи бўғинда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлигига қолаётгани, бу соҳадаги энг оғриқли муаммолардан бири эканлиги қайта-қайта ургуланди.

Таҳлилларга эътибор берайлик, ўтган йиллар давомида юртимиздаги ўлим ҳолатлари асосан ана шу бўғиндаги камчиликлар, масалан, юрак-қон томир касалликларига ўз вақтида тўғри ташхис қўя олмастик туфайли содир бўлгани жиддий танқид қилинди. Шу боис бирламчи бўғинни бугунги кун талабига қараб, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки касалликлар профилактикаси, уларни эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олиш ишлари айнан шу бўғинда амалга оширилади.

Сайловчиларимиз билан аъёнага айланган учрашуларимизда ҳам аҳолининг кўпчилиги тиббий хизмат сифатидан рози эмаслигини очиқ айтаяпти. Одамларнинг энг кўп мурожаат қиладиган тиббиёт тармоғи ҳам аксар ҳолларда бирламчи тиббий ёрдам муассасалари фаолияти юзасидан бўлмоқда. Агар бу тизимда иш тўғри ташкил этилса, аҳоли эътирозлари анча камайишига эришилари эди. Ана шундай талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилишда Президентимиз ғоят зарур ташаббусларни ўртага ташлади. Белгилаб берилган аниқ ва қатъий вазифалар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасига олиб чиқишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.



Адҳамбек ИСМАИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳаёти учун энг муҳим бўлган йўналишлардан бири – **ихтисослашган тиббий хизматлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш тизими** ҳисобланади. Замонавий тиббиёт юқори технологияларга асосланган, самарали даво ва тезкор ташхисни талаб қилади. Бунда аҳолига фақат тўғри ва самарали хизмат кўрсатиш эмас, балки тиббий ресурсларни оқилона тақсимлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, республикада 2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш жабҳасида 9 497 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Тўғри, ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бироқ, даврнинг ўзи иختисослашган тиббий хизматлар тизимида ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, маблағларни мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш мақсадида Республика тиббиёт марказларида фақат юқори технологияли, мураккаб амалиётлар давлат бюджетни ҳисобига амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, электрон йўланма ва тақсимлаш тизими тубдан такомиллаштирилиб, беморларга берилган йўланмалар ягона электрон платформага жойлаштирилиши ҳамда давлат ва хусусий клиникалар бу майдонда орқали унга таклиф юборади. Бу жараён тиббий рақобат муҳитини яхшилаб, беморларга клиника нархи, сифати ва бошқа қулайликларга кўра эркин танлаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, давлат раҳбари ташаббуси билан касалликларнинг сўнгги босқичда аниқланишига барҳам бериш мақсадида онкогематология соҳасида болалар учун алоҳида беш йиллик давлат дастури ишлаб чиқилди.

Дунё тажрибаси дориларни ишлатишда “далилларга асосланган тиббиёт” (evidence-based medicine) тамойили кўп жиҳатдан самарали эканини исботламасда. Хусусан, Европа Иттифқи мамлакатларида ҳар бир янги дори воситаси Европа тиббиёт агентлиги (EMA – European Medicines Agency) томонидан клиник синовлар натижасида рўйхатга олинади. Шунингдек, АҚШда Озиқ-овқат ва дори воситалари бошқармаси (FDA – Food and Drug Administration) томонидан тасдиқланмаган бирор дори воситасини ишлатиш ноқонуний ҳисобланади. Япония ва Жанубий Кореяда эса ҳар бир шифокор тавсия қилган дори “Миллий клиник база” орқали текширилади.

Афсуски, бу жиҳат Ўзбекистонда ҳали тўлиқ жорий қилинмагани боис, амалиётда шифокорлар томонидан клиник протоколларда йўқ ёки самарасиз деб топилган дори воситаларни беморларга тавсия қилиш ҳолатлари учраб турибди. Таъкидлаш жоизки, бу ҳолат иқтисодий зарар билан бирга, аҳоли соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, самарадорлиги исботланмаган дори воситаларининг импортдаги улуши бугунги кунда 42 фоизни ташкил этар экан. Шунга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирига халқаро стандартлар асосида самарасиз ёки хавфли дориларни клиник протоколлардан чиқариш топшириғи берилиб, антибиотикларни асосли қўллаш бўйича барча тиббиёт муассасалари, айниқса болалар шифохоналарида текширув ўтказиш, “Рақамли назорат тизими” орқали шифокорлар томонидан қандай дори ёзилаётгани, унинг манбаси ва самарадорлиги мунтазам кузатиб бориш бўйича жиддий топшириқ берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, иختисослашган тиббий хизматларни адолатли ва технологик жиҳатдан самарали ташкил этиш, шунингдек, дори воситаларини тартибга солиш – соғлиқни сақлаш тизимидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Айниқса, қўлланилаётган дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш, тиббий суғурта ва электрон йўланма каби тизимларни жорий этиш мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоғи лозим.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН “ИШБИЛАРМОН АЁЛ” ЛОЙИҲАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН. УШБУ ЛОЙИҲА ОРҚАЛИ КўПЛАБ АЁЛЛАР ЎЗ ҒОЯЛАРИНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛМОҚДА. ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИДА МАЗКУР ЛОЙИҲА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎТКАЗИЛМОҚДА. ҚЎЙИДА ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН КўРИК-ТАНЛОВНИНГ АЙРИМ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ ХАБАРЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ушбу танловнинг Мўйноқ туманидаги “Жайхун” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган саралаш тадбирида шу ҳудудда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар – Светлана Карабаева ва Зина Ембергеноваларнинг иш фаолияти ўрганилди.

– Танловда маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, кам таъминланган oil-лаларга ёрдам бериб, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”даги фуқароларни иш билан таъминлашда фаоллик кўрсатиб келаётган хотин-қизлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди, – дейди туман кенгаши депутати Абдижаббор Тлеуов.

Иштирокчилардан бири тадбиркор Зина Ембергенова хотин-қизлар ва болалар учун миллий килим-кечак ҳамда кўрпа-тўшаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. У ҳозирда 6 нафар маҳаллий аёлни иш билан таъминлаб, 7 та тикув машинаси орқали ички бозорга маҳсулот етказиб бермоқда.

Ғолиблар танловнинг туман bosқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кидитдилар.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

“Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари” шиори остида бутун мамлакат бўйлаб “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг маҳалла bosқичлари қизгин давом этмоқда.



Сергели туманида ўтказилган саралаш bosқичи доирасида Ўзгариш, Ҳабибий, Мехриғиё, Эзгулик, Бунёдбод, Янги Бунёдбод, Жунариқ, Юқори Дархон, Мададкор, Зийнат, Янги Сергели, Соҳибқирон, Софдил, Хонобод, Қурувчилар ва Дарё бўйи маҳаллаларида тадбиркорликни йўлга қўйган фаол хотин-қизлар фаолияти ўрганилди ва ғолиблар аниқланди.

Шунингдек, тадбир давомида oilавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аёллар иштирокидаги хусусий сектор улушини ошириш ва жамиятда хотин-қизлар тадбиркорлигини янги bosқичга олиб чиқиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар
кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

O'zLiDeP Шаҳрисабз туман кенгашининг “Аёллар қаноти” фаоллари, депутатлар иштирокида кўрик-танловнинг дастлабки bosқичида Янгиқийлоқ, Хонтепа, Хўжахуросон, Оқдарё, Янгибоғ, Равот, Мевазор, Биғми, Боғишамол, Абзият, Авазмалик ва Шанбе маҳаллаларида турли йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркор аёлларнинг ишлари атрофлича ўрганилди.

ОБОДЛИК

Бугун ҳайҳотдай жойни эгаллаб олиб, ҳовлисига беш-ўнга қўчат экмаган ёки нуқул рўзгорига керакли маҳсулотларни бозордан ташийдиган oilалар сонин кескин камайиб бораётгани сир эмас. Нега десангиз, “қовун қовундан ранг олади” деганларидек, аксар ҳудудларда бир парча ерга ҳам иссиқхона қуриб, тўрт фаслда ҳам турли қўчат-нихоллар етиштириб, рўзгорини гуллаятаётган инсонлар бошқаларга намуна бўлаётгани ҳақида ҳар куни эшитамиз.

Томорқасидан эллик, юз миллионлаб даромад топаётган одамлар осмондан тушаётгани йўқ. Улар орамизда, бири акамиз, бириси амма-тоға-хoламиз ё кўни-қўшнимиз эмасми? Ҳалоли бўлсин шундайларнинг. Аксинча, боқимандалар, дангасалар фақат маҳалла идорасига борволиб, “бер-бер”га ўрганиб қолганлар ҳам топилади. Лекин ундайларга ҳеч кимнинг раҳми келмайди. Ҳалол пешона тери билан топилган бойлик ҳамиша ризқ-барака олиб келади.

Шундай замондошларимиздан бири Шаҳрисабз туманидаги Халқобод маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Чорбоғ қишлоғида истиқомат қилувчи Нурали Умиров ҳақида гап кетса, уни таниган-билганлар ҳасад билан эмас, ҳавас билан фахрланиб тилга олишади. Боғдорчилик, зироатчилик бобида унга тенг келадиганлар кам. Аммо қилаётган хайрли ишлари, тажрибаларини ўзларининг томорқасида қўллаб, бири икки бўлаётганларни кўпчилик алқаяпти. Чунки шу ерда етиштирилаётган маҳсулот аввал маҳалла аҳлининг рўзгоридан ортса,



кейин бозорларни обод қилади-да. Нурали ака гапга чечан бўлса-да, аммо мақтанишни хуш кўрмайди. “Ҳар биримиз ким бўлишимиздан қатъи назар, изимиздан бирор

савобли иш, ном қолдиришга ҳаракат қилишимиз шарт. Умрни қаранг, шамолдай ўтиб кетяпти, умр ўтаяпти. Насиб этса мана шу боғларни мен қаерга кўтариб кетаман, шу ҳудуд аҳли учун хизмат қилади, дастурхонларни обод қилади” дейди жиддий оҳангда.

Нурали Умиров 2002 йили Қашқадарё бўйидаги уч гектарча қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бўш ётган жойни обод қилиб, 1 500 дан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт қўчатлари, турли хил узум навларини экиб, каттакан боғ яратибди. Фаолияти “Дукчи Нурали деҳқон хўжалиги”га ихтисослашган. Майдоннинг яримида картошка, саримсоқпёёз, сабзи, шолғом ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Катта ишлар энди бошланаётган экан. Насиб этса шунча машаққатли меҳнатга яраша даромади ҳам чакки бўлмаслигига ишонапти деҳқон йигит. Ўзининг айтишича, йил охириларида юз миллион сўмгача соф фойда қўриши мумкин экан. Яна денг эллиқдан зиёд мавсумий ишчиларни ҳам қўллаб-қувватлаётир.

Аслида, меҳнат қилган киши кам бўлмайди. Бўш турган ерлардан унумли фойдаланиш нафақат хонадонлар фаровонлиги, балки юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш, сифатли маҳсулот етиштиришга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги техникалари ҳам янгила-

ниб, фермер ва деҳқонлар ишини енгиллаштирмоқда.

Қувонарлиси, бу техникаларнинг кўпчилиги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётгани, улар хорижий аналогларидан қолишмаслиги соҳадаги муваффақиятлардан далолатдир.

Картошқачилик йўналишида катта тажрибага эга Нурали Умировнинг изоҳ беришича, бизнинг мамлакатимиз иқлими шариоитда картошка етиштириш осон иш эмас. Иссиқ ва қуруқ об-ҳаво туфайли махсус агротехник тадбирларга амал қилиш талаб этилади. Бу майдонда асосан эртаки “супер” ва кечки навлар экилар экан. Яъни декабрь-январда экиб, апрель-май ойларида биринчи ҳосилни, августда экиб, декабрда иккинчи ҳосил олинаркан. Шу йўл орқали тўққиз ой мобайнида картошка экиб, 7 ой давомида ҳосил йиғиш мумкин. Деҳқоннинг айтишича, ҳаммаси сифатли уруққа боғлиқ. Ҳозир турли инновацион усуллар картошқани ҳақиқий “иккинчи нон”га айлантирмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бундай хўжаликлар республикаимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Асосий мақсад битта – халқ фаровонлигига баҳоли қудрат улуш қўиши. Биздан қоладигани аслида ана шундай шовуллаган боғ-роғлар, эзгу ишлар, бунёдкорликка йўғрилган бинолар, иншоотлар эмасми?

Умрингиздан барака топинг, бободоҳқоним!

Мухбиримиз

СИЗЛАР БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК ГҲҲЛАЙВЕРСИН

ЖИЗЗАХ

Шароф Рашидов тумани – вилоятда аҳоли нуфуси бўйича етакчи ҳудудлардан бири. Ҳозирги кунда 48 та маҳаллада 242 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қияпти. Одамларнинг кўпчилиги туфайли бандликини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, доимий даромад манбаларини шакллантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид масалалар бу ерда янада долзарб тус олган. Шу боис, бу борадаги ҳар бир ташаббус катта аҳамият касб этади.



Ҳозиргача тумандаги 25 та маҳаллада танловнинг дастлабки bosқичи ўтказилди. Уларда 70 нафардан зиёд турли соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркор аёллар иштирок этди. Нонсангил, Тинчлик ва Ардошхон маҳаллаларида ўтказилган саралаш bosқичлари қизгин ва муросасиз тарзда ўтди.

Ғолиблар орасида қуроқчилик билан шуғулланувчи Камола Жўраева алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Чунки унинг шогирдлари сафи кенгаймоқда, тайёрлаган маҳсулотлари қўшни вилоятларда ҳам харидорғир.

Еш тадбиркор Дилноза Маматқулова эса болалар учун ўйинчоқлар тайёрлаш билан машғул, 15 нафар шогирдига касб-хунар сирларини ўргатмоқда.

Жаннат Ҳасанова эса сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида иш юритиб, маҳаллий дўконларни тўлиқ таъминлапти, ўнта янги иш ўрни яратган.

Энди улар туман bosқичида беллашади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

НАВОИЙ

Навбаҳор туманидаги Карвон, Учтут, Бешрабoт, Қоровултепа, Қалқонота, Янгиобод, Ўзбекистон ва Қоражон маҳаллаларида фаолият юритаётган 24 нафар тадбиркор аёл қатнашган танлов қизгин кечди. Аввалига улар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.



Якуний натижаларга кўра, Янгиобод маҳалласидан Латофат Орипова, Карвон маҳалласидан Хуррият Зокирова ҳамда Ўзбекистон маҳалласидан Зилола Жўрақулова танловнинг навбатдаги bosқичига йўлланма олишди.

– Фаолиятимни 2016 йил март ойида бошлаган эдим, – дейди Латофат Орипова. – Хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Бугунги кунда корхонамизда 20 та доимий ва 50 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратилган. Ушбу танлов орқали кўплаб тадбиркорлар билан яқиндан танилиш, ҳамкорлар топиш имконига эга бўлдим. Бунинг учун O'zLiDePga раҳмат!

Шунингдек, вилоятнинг Кармана туманида 14 нафар тадбиркор хотин-қиз ўртасидаги муросасиз беллашувда Янгиариқ маҳалласида яшовчи, “Аёллар дафтари” рўйхатида турган бўлса-да, ўн миллион сўмлик кредит асосида миллий кўйорқоқлар ишлаб чиқараётган Соҳиба Бураилова кейинги bosқичга йўлланма олди.

O'zLiDeP Навоий вилoяти
кенгаши матбуот хизмати

Умрни безайдиган эзгулик



ОЙНА

Яқинда дунё ва маҳаллий матбуот AQSH хукуматининг 2025 йил учун “Турли миллатга мансуб иммигрантлар визаси” – Green Card жавобларини эълон қилди. Дунё бўйлаб 55 минг кишига бериладиган ушбу лотерея ютуғининг 5,5 мингдан зиёдроғи ўзбекистонликларга чиққани муносабати билан бахти кулган ғолибларни қутласак, тўғри бўлармикан?



GREEN CARD: БАХТМИ, ОМАДМИ ЁКИ?!

Қойил, бу “уйин”да омади чопганларнинг 10 фоизини юртдошларимиз ташкил этибди. Биласиз, журналист халқи ҳар қандай воқеани оддий қабул қилмайди, уни ҳар томонлама таҳлил қила бошлайди. Демак, океан орти орзусини расман рўёбга чиқараётган, замонавий тил билан айтганда, ушбу лотереяга ҳам коррупция аралашмаганимкан, деган илмқли савол бирданга ҳаёлдан кечади. Тасаввур қилинг, унда қатнашган бошқа давлатлар вакиллари ҳам ана шу “ўн фоиз”лик натижа шубҳалантирмаганикин? Хўш, Green Card қандай ўйналади, ҳакамлар хайъати қимлардан иборат? Масаланинг у томони бизга қоронғи ва қизиқтирмаслиги лозимдир балки.

Асосий гап бошқа ёқда: ғолиб деб топилганлар кўп нарсаси эришди. Масалан, AQSH фуқароси бўлиш, ҳуқуқий ҳимоя, барча оила аъзоларини ёнига қажиртириб олиш, ҳар ўн йилда картани узайтириш имкони, мамлакат бўйлаб ва яна 38 давлатга визасиз бемалол эркин саёҳат қила олиш мумкин. Ишлаш, бизнес юритиш ва ўн йил ишлаб қўйганларга нафақа олиш имконияти яратилади. Кўчмас мулкдан ташқари айрим штатларда кулрол-аслаха харид қилиш учун ҳам рухсат бор.

Фарзандлари давлат мактабларида бепул таълим олади ва ҳоказо. Жиддий қонунбузарлик содир этмаса, депорт қилинмайди. Green Card соҳиби истиқболда Америка қонуничилигига ҳар қандай ўзгариш киририлган тақдирда ҳам доимий

резидент мақомини сақлаб қолади. AQSH ҳаётига таъсир қилувчи маҳаллий кенгашлардан тортиб, президентлик сайлов жараёнларида ёрдамчи, волонтер бўлиб иштирок этиши мумкин. Аммо сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Картаси бўлганлар AQSH фуқаролари қаторида ҳар йили солиқ декларацияси ва солиқ хизматига даромадлари тўғрисида маълумот топшириш мажбурияти бор. Энди танганинг иккинчи томонига ўтайлик.

Қўшма штатларга кўчиб кетиш – бу айрилиқ, соғинчнинг, қисқача айтганда, чуқур маънавий томони бор. Буни мен ўз бошимдан ўтказганман, дипломат бўлиб, ўн йил юртдан узоқда давлат хизматини бажарганман. Тўқис ҳаёт, фақат ишла, кейин даврон сур. Ўша маънавий томони кўп эзар эди кишини...

Оддий зиёли сифатида инсонлар нима сабабдан ватанларини тарк этадилар, деган саволга жўн жавобим шу: яхши ҳаёт кечириш илнжиди, албатта! Кетаётганларнинг аксари яти юртларини севмаганлари учун эмас, балки эркин яшаш ва фарзандларининг олий таълим олиши, келажақда ҳар томонлама етук, комил инсон бўлишини мақсад қилади.

Кимлардир сиёсий ва иқтисодий бекорорлики сабаб қилиб кўрсатади. Шунга кўра, ҳаётда янги йўл топишга интилади, таваккал қилади.

Яна бир дангал гап шуки, уйни ташлаб чиқиб кетиш ватани ёки яқинларни “соттиш” эмас.

Ватанин узоқда туриб ҳам севиш мумкин. Ота-онадан хабар олиб турилади, қадрдонлар унутилмайди.

Бошқа бир мулоҳаза шуки, ўз ҳаётидан, касб-кори, тақдирдан шодмон одам олисларга кетмайди. Азиз жойини алмаштиришга не ҳожат?

Қолгани эса... ўзга бир маданият, бегона тил, нотаниш чехралар, буларнинг ҳаммаси ички изтироб! Узоқ йил мусофирликда яшасанг ҳам барибир кўнкулмайсан, сен учун у ёт ўлка, мутлақо ёт кишилар.

Атрофнинг ҳар қанча гавжум бўлса-да, барибир ёлғизликни сезасан, тегрангда қадрдон тилингда маза қилиб гурунглашадиган улфатинг йўқ, ҳар лаҳза меҳрибонлик кўрсатиб, бошингни силайдиган онанг ёнингда эмас ва яна...

Ҳар ким ҳам бошқа ҳаёт қонунларини, муомала маданияти, бегона атрофга боқини қабул қилолмайди. Бунинг номи эса – қадрият.

Хўрлигинг келади баъзан, бу яшаш учун оддий жой-макон алмаштириш эмас, аксинча, чуқур таназзул. Бу эса ҳақиқат!

Шаҳарда ўқиб, ишлаб қолиб кетганлар кичик ватанлари – қишлоққа борганидаги туйғуни тасаввур қилиб кўринг, ўз уйинг – ўлан тўшагинг. Ўша чанг-тупроқли кўчалар, яшил қирлар, сувларнинг ариқда шилдираб оқиши, шевада гаплашишлар. Демак, сен туғилиб ўсган жойингга чуқур боғлиқсан, сени кутадиган ота-онанг, хеш-ақрабод, дўстларинг бор. Инсон уларга талпинди, уларни соғинади.

Мажбурликдан кўчишни фарзандлар келажаги учун қил-

дим, деб айрилар ўзини овутади. У кутгандек, болалари илмли бўлди, танлаган касбидан мамнун. Сен энди ватанга қайтасанми? Йўқ! Нега? Энди сен ўша ҳаётга кўнкулдинг, энди сен эски турмушга қайтолмайсан!

Мулоҳазаларимни эхтиросни йиғиштириб, мулоҳаза билан муҳокамасиз ватансевар дўстимга хат битиш ила яқунлайман. “Янги ҳаёт бошлашинг учун сenga омад келди, хурсандиман. Ҳар кимга ҳам насиб этмайдиган бахт бу. Оталар фарзандларининг камолини кўриш учун бошини қаёқларга урмас экан.

Мендан сўрасанг, хорижда узоқ вақт қолганман, аммо менинги йўриғим бошқа эди. Менга туғилган уйим, ўз тилим, чангитиб юрган кўчаларим қадрли. Менга бор меҳрини, қалб кўрини берган ота-онамдан, хеш-ақраболарим, дўстларимдан йироқда яшай олмайман. Ёмон бўлса ҳам, камчилиги етарли бўлса ҳам, ўз уйим, ўлан тўшагим афзал.

Дўстим, табиятингни яхши билман, ҳеч қачон жонажон ватанингни сотмагaysан. Унутма, сени доим эслаб турувчи ва сени интиқ кутаётган дуоғўларинг бор. Ватан бу фақатгина тупроқ, обидалар, бозору мазорлардан иборат эмас, балки ўзининг бахти ва бахтсиз одамлари билан ҳам гўзал гўшади. Умид қиламанки, сен ҳам қаерда бўлсанг-да, эсон-омон, бахтли-тахтли бўласан. Муҳими, киндик қонинг тўкилган заминни, ота-боболаринг хоки барқарор бўлган ўлкани, етти пуштингни унутма!..”

Аброр ХОН

ЎТА ОДДИЙ ҲОЛАТЛАР, ЎТА ОДДИЙ ИБРАТЛАР

ДУНЁДАН ЎРГАНАЙЛИК ЁКИ ЯНА “ГАЗЕТАЛАР ШАРҲИ” ХУСУСИДА

Мен асли газетачи журналистман. Талабалигимдаёқ ёшлар газетасига мунтазам қатнардим. Кейин ўқини битириб, шу даргоҳда ишладим. Ҳар ҳолда, ёмон ишламадик.

Газетанинг тиражини 800 мингдан ҳам оширгандик. Биз зўр эдик, деёлмайман, вақт, замон шуни тақозо қилар эди. Ҳозир деярли барча газеталар чоп этиладиган “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг китоб ноширчилигига ихтисослашган Бош тахририятида ишлайман. Лекин моҳиятим билан, назаримда, ҳали ҳам газетачи ижодкор бўлиб қолганман. Эрталаб кунимни, ҳаётимни газета ўқишдан бошламасам, куним бесаранжом, талмовсираб ўтадигандай бўлаверади...

Шунгами узоқ йиллар Ўзбекистон телевидениесига “Газеталар шарҳи” кўрса-

институтга ўқишга киргунча ҳалиги поезд роса уч йил унинг ёлғиз ўзини мактабга ва дарсдан кейин уйига ташиши бўйича қарор қабул қилибди! Ропла-роса уч йилдан кейин темир йўл ҳам ёпилибди...

Мен ҳали-ҳануз ана шу инсоний жасорат, оқибат, тасаввур қиялсизими, катта бир давлат битта фарзанди учун ҳам жон қуйдиришини, унинг тақдирига бепарқ бўлмаганига тасаннолар айтаман, бу ҳалққа, унинг қадриятларига таъзим қиламан!

Куни кеча “Соғлом авлод” газетасида ҳам моҳиятан шунга ўхшаш бир ҳолатни ўқиб, ўша воқеа эсимга тушди. Зебо Янгибоева ёзган “Мени уялтирган хитойлик бола...” сарлавҳали мақолада хитойлик Ванг Фуман деган мактаб ўқувчиси жуда камбағал оиладан бўлиб, ҳар куни мактабга 5 километр йўлни пиёда босиб бораркан. Ўша куни ҳаво ҳарорати 30 дақиқа ичида -9 даражага тушиб кетибди, аммо бола бош



тувини ҳам олиб борганман. Буям юқумли касаликка ўхшаган нарса экан. “Шарҳлар” ҳам ёпилиб кетди (бу алоҳида мавзу, чунки ўша жараёнда мен ҳам бор эдим...)

Яхши мақолалар босилган газеталарни эскирдан йиғиб юраман. Уйимда тахлам-тахлам нашрлар ҳали ҳам бор. Бир четга устини ёпиб, ажратиб беркитиб қўйганман. Улар катта тарих, таъбир жоиз бўлса, ўзимни ҳам таҳлил қилиш учун ўзига хос қўлланмадир балки...

Қизиқ, таъсирли, ибратли мақолаларни қирқиб, альбом қилиб йиғиб ҳам юардим. Аввал ижара, кейин уйли бўлганимизда ҳам уларни ўзим билан олиб кетардим. Анчаси йўқолиб ҳам кетди, бир қисmini уйдагиларим атайлабданми билмадим, йўқотиб юборишди, захарли ҳид чиқарармиш... Қолганларини руҳият тақозоси билан ора-сира чангини қоқиб, варақлаб маза қиламан, не-не хотиралар эсга тушади, лекин ҳозиргача захарланганим йўқ...

Уч-тўрт йилча аввал “Темирйўлчи” га-

кийимсиз ва энгил курткада қарийб 5 километр йўлни пиёда босиб, мактабга етиб борибди. Шу куни унинг имтиҳони бор экан, шунча қийинчиликларни енгиб ўтиб, 100 баллдан 99 баллни қўлга киритибди. Унинг ўқитувчиси шу аҳволда музлаб бўлса ҳам имтиҳонга улгуриб, яна юқори баҳо олган ўқувчининг суратини интернетга жойлайди. Энг қизиғи кейин бошланади. Боланинг тақдирини интернет фойдаланувчиларини бефарқ қолдирмайди. Бир неча кун ичида 3 миллион юань пул йиғилади. Тўпланган 450 минг AQSH долларидан ҳам ошиқроқ маблағ, аввало, у тахсил оладиган мактабни иситишга, камбағал болалар учун иссиқ кийимлар, иситиш мосламалари, компьютерлар сотиб олишга сарфланади. Яна худди шу болага ўхшаб узоқдан қатнайдиғанлар учун мактаб ёнида махсус ётоқхона ҳам қурилади. Бирпасда машхур бўлиб кетган боладан олинган интервьюда Ванг бу ишга бош қўшган барчага миннатдорлик билдираркан, улғайгач, ишлаб пул топиб, ҳамма-



зетасининг сўнги саҳифасида менга жуда таъсир қилган бир воқеа баён қилинганди: Япониянинг чеккароқ бир ҳудудидидаги кичик қишлоқ аҳли аксар катта шахарларга ўқишга, ишга, яшашга кўчиб кетгач, табиийки, ҳеч ким қолмабди. Фақат ота-онасидан ажраган бир қиз қолибди. Унинг мактаби маҳаллий поездда уч бекат нарида экан. Одам бўлмагач, “катталар” ушбу рейсини бекор қиладиган бўлибди. Лекин ҳалиги қиз кўчиб кетмаган, ўз уйидан шахарга поездда ҳар куни эрталаб қатнар, тушдан кейин эса яна ортга қайтаркан. Энди нима бўлади? Шаҳар маъмурияти узоқ тортитувлардан кейин қиз мактабни битириб,

нинг ҳақини қайтаришга ваъда берибди!.. Қаттиқ ўйланиб қолдим. Жиддий таъсир қилди бу воқеа, бу муносабатлар. Табиийки, “Биз-чи, бизда шундай воқеа юз берса, нима қилган бўлар эдик” деган аламли саволлар ҳалигача юрагимни эзаяпти.

Чиндан ҳам, айтинг менга: “Мен, сиз, бошқалар, қандай йўл топардик, бола нима қиларди?!”

Ахрор АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ТАҚДИМОТ

Жиззахнинг экологик ва тарихий афсоналари

Бир ярим миллиондан ошиқ аҳоли истиқомат қиладиган Жиззах воҳаси, унинг тарихи, бугуни ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Бироқ вилоятнинг бетакрор, мафтункор табиати, ранг-баранг табиий манзаралари, ноёб ва экзотик рельефи, ўзига хос мўътадил иклими, табиат ёдгорликлари, худудда ўсадиган ўсимликлар, яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жихатлар ҳақида баён этилган китоблар жуда кам.

Ушбу маънавий бўшлиқни тўлдириш мақсадида, маслакдошимиз – O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раисини, Жиззах вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов хайрли ишга қўл урди. Яқинда бир неча йиллик изланишлар, ижодий меҳнат самараси натижасида “Жиззах вилоятининг экологик ва тарихий афсоналари” китоби босмадан чиқди.


Вилоят маданий ва адабий ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида қаралаётган мазкур китобнинг тақдимот маросимида воҳадаги таниқли ижодкорлар, маданият ходимлари, маҳалла ва экофаоллар қатнашди. Жиззах воҳаси табиати ўзига хос. Бу ерда салобатли тоғлар даштларга, даштлар чўлларга, чўллар кўлларга улашиб кетган. Швейцария табиатига қиёс қилинувчи Зомин тоғлари, Туркистон, Нурота ва Молгузар тизмалари, сахро марвариди саналган Айдаркўл ҳавзаси, Қизилқум чўлларининг таърифи тилларда достон. Воҳанинг ўзига хос иқлимида этилган Бахмал олмалари, Форш узумлари, Мирзачўл қовунлари бутун мамлакатимизга маълум ва машхур, десак муболаға бўлмайди.

Эркин Холматов қаламига мансуб мазкур китобда Жиззах табиатининг бетакрор

манзиллари, қадим ва яқин ўтмишдаги тарихи, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшган давлат арбоблари, худуднинг биохилма-хиллиги, тарихий табиат ёдгорликлари, табиат унсурлари билан боғланган зиёратгоҳлар, уларнинг ўтмиши ва улар билан боғлиқ тарихий шахсларнинг ҳаёти-фаолияти ҳамда халқимиз орасида авлоддан авлодларга ўтиб келаётган афсоналар ҳақида сўз юритилади. Зоминнинг Пешоғар қишлоғида жойлашган “Ҳўжаи Серб ота” зиёратгоҳи, бу ерда маҳаллий аҳоли ташкил этган музейдаги узоқ ва яқин ўтмишга дахлдор осори атиқаларнинг суратлари ҳам китобхонларда катта қизиқиш уйғотади.

Китоб саҳифаларида тарихга дахлдор яна бир муҳим мавзу ўрин олган. Бу Жиззах ва Мирзачўл чўлларининг ўзлаштирилиши, яъни агроэкология билан боғлиқ тарихий воқеалардир. Чўлни ўзлаштириш жараёни давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов номи билан бевосита боғлиқ. Бу воқеа-ҳодисага дахлдор маълумот ва суратлар ҳам китобнинг аҳамиятини белгилайди.

Бугун мамлакатимизда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилиб, йўқолиб кетётган ҳайвонлар, ёддоривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтиришга катта эътибор



қаратилмоқда. Республикаимизда ташкил этилган кўриқхоналар қаторида Зомин ва Нурота кўриқхоналари ўсимлик ва ҳайвот оламининг махмувий муҳофазасига ва унинг ресурсларидан барқарор фойдаланишга хизмат қилмоқда. Бу ҳам китобдан алоҳида ўрин эгаллаган.

Янги китоб аҳолининг табиат ва атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантиришга, ёш авлодининг ҳам маънан, ҳам жисмонан, қолаверса, экологик жиҳатдан етук авлод бўлиб ўсишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

17 МАЙ – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

“ОНАМ – БОТГАН, ОТАМ – ЁТГАН

Ватаним...

**МИЛЛИЙ
МАДАНИЯТИМИЗНИНГ
КАТТА ҚИСМИНИ МИЛЛИЙ
АДАБИЁТ ТАШКИЛ
ЭТАДИ. ШУ МАЪНОДА
НАФАҚАТ АДАБИЁТИМИЗ
ТАРИХИ, БАЛКИ ҲОЗИРГИ
ЗАМОН ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
ҲАМ АДАБИЙ ВА
ИЖТИМОИЙ ҲОДИСАГА
АЙЛАНГАН НОМЛАРГА,
ШАХСЛАРГА, УСЛУБЛАРГА
БОЙ. УЛАРНИНГ
ОРАСИДА ҲАЛИМА
ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ
НОМИ ВА ИЖОДИ “КЎҲНА
АДАБИЁТ ШОДАСИДА”
“БИТТА МАРЖОН” КАБИ
ЯЛ-ЯЛ ПОРЛАБ ТУРАДИ.**

Ҳалима Худойбердиеванинг катта хизмати шундан иборатки, у ўзбек шеърятини, шеърни бир неча поғона юсакка кўтариб қўйди. Бу кўтарилишда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон... ҳақли равишда шон-шарафга бурканган шу улуғ сафнинг мустаҳкам, узилмас бир ҳалқаси бўла олди.

Номлари юракларда ғоят тиниқ ва зилол акс садо – жанранг берадиган адабиётимиз улуғларининг ҳар бири бекиёс адабий боғ яратган. Хаёлингизга каманд солган, қадим дунё мўъжизаларидан бири бўлган осма чорбоғларни кўз олдингизда намоён этган ғўзал адабиёт боғларидан инсон қалбининг барча фасллари ғунча тугиб, гул очиб, гуркираб бир пайтда яшайди. Уларни давр, замон, тил, она тилимиз бир-бирига яқинлаштиради. Уларни айнаи шу ҳодисалар бир-биридан фарклантиради ҳам.

Опа – туйғу ва фикр шоири. Туйғулари пўртана отади, фикри портлайди. Ҳалима Худойбердиеванинг шеърлари, шеърый боғи қайси булоқлардан сув ичган, деб кузатар эканмиз, бу соф чашмалар шеърятнинг теран, чуқур қаърларидан қайнаб чиқишига гувоҳ бўламиз. Опанинг шеърлари халқ оғзаки ижоди (“Бахшиёна” туркуми)дан, мумтоз адабиёт (“Инжулар” туркуми)дан, жаҳон адабиёт (Тағор, Ҳамзатов, Ахматова, Цветаева, Вознесенский, Евтушенко, Марварид Дилбозий)дан, миллий адабиёт (Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода, Зулфия)дан озикланган. Шу серҳосил заминга илдиэ отган.

Ҳалима Худойбердиева шеърларининг лирик қаҳрамони ким? У қандай қиёфага эга? Унга қандай сифатлар бериш мумкин?

Аввало, Опа аёл қалбини, аёл дунёсини бадий тадқиқ этишда четда туриб, кузатувчи бўлиб эмас, ўқитувчи ўқувчиларга сабоқ берган, уй вазифасига баҳо қўйган каби эмас, шу қалбнинг, шу дунёнинг бир қисми, бир бўлаги, бир ҳужайраси бўлиб тадқиқ этди. Бу улкан ва майин қалб ҳам(да) улкан ва ранг-баранг дунёнинг янги-янги қирралари, жиҳатларини ўз қалби, ўз дунёси каби тадқиқ ва таҳлил қилар экан, баъзан дил-дилдан ачинди, куйинди, баъзан қувонди. Унинг жўшқин, тошқин, қирғоқда, ўзанда беқирғоқ ҳиссиётларини ўзбек аёллари ўз ҳиссиётлари каби қабул қилмоқдалар. Негаки, шоира ўзига ўт қўйган, эридан калтак еган ёки бевафолик кўрган, фарзандлари бешом ётиб ухлаган, илм-фанда оламшумул кашфиётлар, ихтиролар қилган, инжа санъати ила оламини Ватанимизга, Ўзбекистонга маҳлиё этган аёллар, опа-сингиллар, қизлар, оналар билан дилдош, дунёдош бўла олди. Улардан ўзини узоқ, бегона тутмади, билъакс, улар билан тақдирдош бўлди. Шоиранинг шеърларини ўқиб, ўзбек аёлининг терма – йиғма образини кўз олдингизга келтирасиз. Опанинг шеърларидаги

эстетик кредоларни бир ракурсга йиғиб келсангиз, қаршингизда ўзбек аёлининг тимсоли барча ожизликлар, назокати ва буюкликлар билан яққол намоён бўлади. Намоён бўлган бу қиёфа ўзбекнинг тарихда, бугун ва келажакдаги ахлоқи, қадриятлари, маънавиятини ўз шахсида мужассам қилган, ўз шахсида ўзбек аёлининг этика ва эстетикасини ифода этган бизга замондош аёлининг тимсоли бўлади.

У Абдулла Ориповнинг “Аёл”, Чўлпоннинг “Гўзал” шеърларидан, Усмон Носир, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Чингиз Аҳмаров, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Рўзи Чориев, Муҳаммад Юсуф, Акмал Нур, Ортиқали Қозоқов, Дилором Мамедова лирикасидан чиқиб келган Аёл бўлади. Сизу биз уни дарҳол таниймиз. Чунки у бегона эмас, қиёфасиз, мавҳум сиймо эмас. У ўзимизники, бизга қадрдон. Чунки у ўша Муқаддас Аёл!

Шоира нафис, чиройли ҳасрат билан:

Кўнгилларнинг титроғидан изланг мени...

деб ёзади.

Опанинг шеърлари аёл қалбининг товланишлари, ўй-хаёллари, орзу-армонлари, мақсад ва ниятларининг ифодаси сифатида аёлларнинг онги, қалбига таъсир ўтказди. Ва шу ҳиссий таъсир орқали уларнинг борлиқ-ҳаётини, турмушини ўзгартиришга хизмат қилди. Шу каби омиллар туфайли Опа миллат аёлига, айнаи чоғда Ўзбек аёлининг умумлашма тимсолига айланди. Чунки у Ўзбек аёлининг кўнгли ва онгига, ҳаётига муҳтарама салафларига нисбатан чуқурроқ кириб аёллар. Аёлининг қалбини, юрак титрамалари ва “юрак қирралари”ни моҳир рассом каби қоғозга кўчирди.

Ҳалима Худойбердиеванинг шеърлари ўзбек аёлининг назик ва чигал туйғулари, ўзи ҳам ном беролмаган мураккаб ва сирли ҳиссиётларининг, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳон назокатининг суратлари, шу суратнинг парчаларидир. Бу шеърларда барча аёллар ўз аксларини кўрадилар. Минглаб, миллионлаб инсонларга бўлиниш, уларнинг ўй-хаёлига, изтироб ва оромига айланиш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди.

Шоиранинг лирик қаҳрамони ичкин туйғуларни ифодалашда ўзига шафқатсиз, кўнгил билан муносабатда ошқора, сохталик, сунъийликдан йироқ, жуда табиий. “Ҳақиқатнинг кўзларига тик қараб...” сўз айтади.

Опанинг “Сизни севгач...”, “Қизлар билан суҳбат”, “Сиз билан миннатдор хайрлашаман...”, “Бегим”, “Мен олмаман”, “Сиз йўқлабсиз” каби шеърлари кези келганда озурда ва шикаста қалбларга илинж, умид, таскин, ишонч, орзу, мақсад бағишлай олди. Баъзан ожизлики, баъзан қудратни ифодаловчи шеърлар кези келганда аёлларга малҳам, мадад, мадор, дармон бўлди.

Ҳалима Худойбердиева ҳиссиёт тўлқинлари, пўртана отган чуқур қалб кечинмалари – туғёнлар орқали замонга, даврга, ҳаётга, бениҳоя чигал ва мураккаб яратилган замондош инсонга ўзининг шоирона қатъий муносабатини аён ва баён этди. Бу тахлит муносабатлар оқимида шоира кўнглига ниҳоятда жасур, ниҳоятда мард шеърлар оқиб келди. Бу оқим қирғоқларга асов шиддат билан урилди, улкан пўртаналар ҳосил қилди. Ана шу тарзда содир бўлган унинг ҳар бир шеърдан гоҳ безовта зиёли инсоннинг, гоҳ оддий замондошимизнинг қиёфаси, чигал ҳаётнинг мураккаб сурати ва сийрати, илғор фикрнинг тақдири чиқиб келаверади. Опанинг шеърлари бир қараганда кўпам пардоз-андоз берилган, ороланган, кўпам силлиқ, кўпам фикр қоқилмайдиган равон, ораста, кўпчилик кўникиб қолган шеърлар эмас. Шу боис бўлса керак, унинг шеърларида қофиялар жайдари ҳамда ғадир-будурдек ту-



юлади, сатрлар бўғинларга сиғмайди. Ҳалима Худойбердиева атайин, махсус адабий тажрибаларга қўл урмади. Лекин оригиналлик, янгилик шеърларининг қат-қатида мавжуд.

Ота, Она, кирза этик кийган отанинг томоқ қириши, содда ҳовли, тикка кишнаган отлар, чайир чавандозлар, оғир чорбоғ, “оқ олмалар”, “қизил олмалар”, меваси ғарқ пишиб тагига тўкилган тутлар, ҳайҳотдай ерга қуюқ соя солган чинорлар, шабадада тебраниб хуш бўй таратган райхонлар, тепадан заҳар сочилган пахтазор, сарикқа чалинган болалар... Шу манзаралар Опанинг Ватан манзаралари эди. Ватан суврати эди. Опа Ватан манзараларини чизишда ниҳоятда тўғрисиёз бўлди, ҳақиқатгўй бўлди. Аччиқ бўлса ҳам, аламли бўлса ҳам борини, ҳақ сўзни айтди. Ҳақ сўзни айтишдан кўрқмади.

Айниқса, Ватан ҳақида ёзар экан, миллат, халқ шаънига улуғловчи битиклар битар экан, Опанинг сўзи ярақлаб, овози кучга тўлиб, шахтланиб, шиддатланиб боради:

*Бир четида куёшдай онам ботган Ватаним,
Бир четини кўриқлаб отам ётган Ватаним.*

Шоиранинг лирик қаҳрамони ҳаётнинг ё у, ё бу қирғоғидан юради. Ораликда тура олмайди. Ўрталикда унга ўрин йўқ, жой йўқ. Ойдин ҳаётга, эзгуликка, яхшиликка фидо бўлиб, Ватанинг, миллатнинг бахт-саодати учун ўзини ҳар бир ҳужайрасигача сарфлаб яшайди. “Ярим умр йўллари” шеърда:

*Бергин, айтар сўзларимга, бергин ёниб турган чўғ,
Ён, беармон ёниб ўтай қолган ярим умримда...*

деб ёзади. Йўқ, Ҳалима опани шеър ёзади деб бўлмайди. У шеърда дарё қудрати билан ҳайқиради ёки эркинликдан бошқа нарсани билмайдиган, танимайдиган, озодликдан бошқасини тан олмайдиган йўлбарс каби наъра тортади. Бу шеърларда қандайдир ёввойи қудрат, бўйсунмас табиий куч, ибтидоий кенгликлар, уфқлари жуда олисларга ёйилган ҳудудлар бор. Шоиранинг руҳий олами, хаёл қамрови ниҳоятда беповён. Опанинг руҳиятида тўмарисона шахд-шиддат тиним билмай кўпиради, тошади. Опа ичидаги вулқон, ичидаги бўронлари билан шеърятда

янги-янги “қўриқ”лар очди. Шеърятда янги-янги ҳудудларни, ўзигача бошқа шоирларнинг “қадами етмаган ер”ларни ишғол қилди.

*Тик сўзимни ерга қасамдай санчдим,
Мадори етганлар олғай суғириб.*

Опа ўзига хос бадий ифода усули, тасаввур олами, фикр ва туйғуларнинг ҳаракат йўсини билан шеърятга янги мезонларни, янги қолипларни, янги имконларни олиб кирди ва қарор топтирди. Буларнинг барчаси уйғунлашиб, опанинг адабий услубини ташкил этади. Бу мутлақо мустақил, айнаи пайтда миллий адабиётимиз анъаналаридан тўйинган алоҳида услуб бўлди. Услубни баъзан мактаб ҳам дейдилар. Агар шундай бўлса, Опа адабиётда ўз мактабини яратди, ярата олди. Ҳаётда олисдаги бир қорадан кўринаётган нарсанинг нима эканини билиш мумкин. Худди шу сингари опанинг бўйдор услубини ҳам “узоқ-узоқ”дан танийсиз, опанинг дастхати, гоҳ гулдурраган, шаршарадек гулдурос солган, гоҳ чексиз, гоҳ ўйчан, гоҳ мунгли, гоҳ ўқинчли, гоҳ эрка овоэи бошқалардан яққол ажралиб туради.

Опа ижодкор сифатида ўзининг руҳи, ҳиссиёти, фикрияти билан халққа туташиб кетган, халқнинг давоми. Халқ бир улкан дарахт бўлса, шеърнинг лирик қаҳрамони бу дарахтга чирмашиб ўсган ҳаётбахш гул каби таассурот уйғотади:

*Бир кун... бир кун мазоримда ҳам
Сени суйиб, ўйлаб ётарман...
Ёнимдаги шерикларга ҳам
Пичир-пичир сўйлаб ётарман...*

Яхшидан боғ қолади, дейдилар. Чиндан ҳам, Ҳалима опадан мангулик шамолдек шовуллаган, абадият куёшидек ловуллаган шеърят қолди. Француз шоири Луи Арагон: “Адабиёт мамлакат учун жуда муҳимдир, моҳиятига кўра, унинг юзи – қиёфасидир”, деб эътироф этади. Шу маънода Ҳалима Худойбердиева ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг тимсоли, рамзи бўла оладиган адабиёт яратди, шундай шоира бўлди. Ўлмас шеърятни билан ўзбек адабиётининг ўлмас сиймоларидан бирига айланди.

**Салим АШУР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddн САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шўхрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasi
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 545
Адади: 5670
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:10

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ